БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 244 (18.122). • 22 октябрь 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «ПРАВДА» МУХБИРИ САВОЛИГА ЖАВОБИ

Савол: Яқинда АҚШ президенти Р. Рейган гўё Совет Иттифоқи раҳбарларининг «ўзаро» суҳбатларига қараганда, Совет Иттифоқи ядро урушида ғалаба қозониши мумкин, деб ҳисобламоқда, деган гапни айтди. Шу билан у ўзининг АҚШ ядро аслаҳахонасини зўлдик билан кўпайтириш йўлини асослашга уринди.

Леонид Ильич, Америка президентининг шу баёноти хусусида нима дея оласиз?

Жавоб: Совет раҳбарлари ўзаро нима ҳақда гаплашаётганлари Рейган жаноблариға маълум эканлиги тўғрисидаги гапни унинг виждонига ҳавола қилиб, масаланинг моҳияти юзасидан қуйидагиларни айтаман.

Умуман совет халқи каби совет раҳбарларининг ҳам фикри-зикри ва куч-ғайратлари ядро урушига мутлақо йўл қўймасликка, бундай уруш чиқиши хавфининг ўзини тугатишга қаратилган. Биз ўз орамизда, мен КПСС XXVI съезди минбаридан ҳаммага эшиттириб айтган гапнинг худди ўзини айтаяпмиз, у ҳам бўлса: қуролланиш пойгасида бир-бирини енгишга уриниш, ядро урушида ғалаба қозонишга умид қилиш — хатарли телбаликдир.

Яна шу гапни қўшиб қўймоқчиман: кимки, ўзини-ўзи ўлдиришга аҳд қилган бўлса, у ядро урушида ғолиб чиқиш умидида шундай урушни бошлаши мумкин. Ҳужум қилувчи томон қандай қудратга эга бўлмасин, ядро урушини бошлашнинг қандай усулини танлаб олмасин, у ўз мақсадларига эриша олмайди. Муқаррар натижамга дучор бўлади.

Бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз мана шундай. Агар АҚШ президенти ҳам ядро қуроли билан ҳужум қилиш ғоясининг ўзини жиноий ғоя деб рад этувчи очиқ ва равшан баёнот берса, соз бўлур эди.

Ҳўш, БМТ Бош Ассамблеяси ҳозирги сессиясига биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида Совет Иттифоқи киритган таклифни Қўшма Штатлар нима учун қўллаб-қувватламайди? — деган савол туғилади.

Агар биринчи ядро зарбаси бўлмаса, демак, на иккинчи, на учинчи ядро зарбалари бўлмайди-ку, ахир. Шундай қилиб, ядро урушида ғалаба қозониш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги мулоҳазалар ўз-ўзидан беҳуда бўлиб қолади — ядро уруши тўғрисидаги масала кун тартибидан бутунлай олиб ташланади.

Ер юзидаги барча тинчликсевар кишилар худди шунга интилмоқдалар, Совет Иттифоқи ва унинг раҳбарлари шу йўлда изчиллик билан куч-ғайрат сарфламоқдалар. Хуллас, гап Қўшма Штатларда, унинг раҳбарларида қолган.

БАЙРОҚДОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

● 21 ОКТЯБРГА ҚАДАР РЕСПУБЛИКАМИЗДА 4.419.203 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ШУНИНГ 2.664.659 ТОННАСИ МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИБ ОЛИНДИ. ЎТГАН КУНИ ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 68230 ТОННА ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ. ШУНИНГ 50581 ТОННАСИ МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН БЎШАТИЛДИ.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ — ХАБАР ҚИЛАДИ —

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Қашқадарё областининг яна бир — Китоб районн меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Ҳар гектар ердан 38 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди ва республика хирмонига 33432 тонне «оқ олтин» топширилди. Шунинг 15 минг тоннаси агрегатлар бункеридан бўшатилди.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, гектар бошига яна 9 центнердан хом ашё топшириб, ялпи хирмонни 41,5 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

Жиззах областининг Октябрь райони заршунослари машина терими планини бажардилар. 436 та агрегат бункеридан 31900 тонна «оқ олтин» бўшатилди. Ҳар бир машинанинг ўртача унумдорлиги 75 тоннани ташкил этди. Бу муваффақиятга Собир Раҳимов номли, Файзулла Хўжаев номли, Ҳамза номли совхозларнинг пахтакорлари улкан ҳисса қўшдилар.

Собир Раҳимов номли совхоздан ака-ука Саидмурод ва Худойберди Файзуллаевларнинг оилавий экипажи 350 тонна пахта терди. Шу хўжаликдан ака-ука Ҳаким ва Уроқбой Ортиқовларнинг терган пахтаси 300 тоннадан ошиб кетди.

Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхоздан ака-ука Одилжон, Олимжон, Пардабой, Ғайрат ва Фуркат Носировларнинг оилавий экипажи ўз зиммасига олган мажбуриятини бажарди. Улар 1,5 минг тонна «оқ олтин» териб бердилар.

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

20 октябрда Сурхондарё области далаларида 142 минг нафардан зиёд теримчи ишлади. Ҳар бир киши 40 килограммдан ошириб пахта тераётган Ленин йўли райони бу мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Пахта йиғим-теримида Термиз давлат педагогика институти, қишлоқ хўжалиги техникуми, Ленин номли совхоз-техникум студентлари яхши ишламоқдалар.

Ангор, Жарқўрғон, Ғагарин ва Термиз районларида йиллик планга нисбатан 1 процентдан ошириб ингичка толали пахта тайёрланяпти.

Андижон областининг Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» совхози механизаторлари машина терими планини бажардилар. Машиналар бункеридан 2200 тонна хом ашё бўшатилди. Бу терилган пахтанинг 85 процентини ташкил этади.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ

Ўтган куни Хоразм области пахта далаларида 1487 та машина ишлади. Ҳар бир агрегат билан ўртача 4,29 тонна пахта териб олинди. Машина теримида Хива райони механик-ҳайдовчилари энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Бу ерда ҳар бир «зангори кема» билан 5,1 тоннадан пахта териб олинди.

20 октябрь куни Хоразм области далаларида 152 минг нафардан зиёд теримчи меҳнат қилди. Уларнинг ҳар бири ўртача 34 килограммдан пахта терди. Хива районида ҳар бир теримчи ҳисобига 44, Ҳазорасп районида 42, Шовот районида эса 41 килограммдан пахта тўғри келди.

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

Наманган районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига 3040 тонна «оқ олтин» топширилди. 940 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди.

Хўжалик деҳқонлари яна қўшимча 460 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, қосилдорликни 38 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Задарё районининг «Наманган» совхози механизаторлари бу йилги мураккаб йиғим-терим мавсумида жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда машина терими плани муддатидан илгари бажарилди. «Зангори кема»лар бункеридан 6100 тонна «оқ олтин» бўшатилди. Абдумутал Собиров, Ҳакимжон Худойбердиев, Абдулла Мўйдинов сингари энг яхши механик-ҳайдовчилар мавсум бошидан бери ўз машиналари бункеридан 180—200 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАР

Самарқанд областининг Пастдарғом районидаги «Прогресс» совхози 6-бўлими пахтакорлари йиллик планни бажардилар. Ҳар гектар кўрик ердан 25 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан бўлим деҳқонлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Ҳозир Самарқанд областида 4 та хўжалик, 7 та бўлим социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

ХЎЖАЛИКЛАР РАПОРТИ

Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 4712 тонна хом ашё етказиб берилди.

«Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари Чиноз районида биринчи бўлиб йиллик планни бажардилар. Ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олган азамат заршунослар тайёрлов пунктларига 2 минг 752 тонна хом ашё етказиб бердилар.

Фарғона областининг Бувайда районидаги «Ленинобод» колхози пахта топшириш планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Тайёрлов пунктларига 4095 тонна «оқ олтин» етказиб берилди, унинг 2 минг тоннаси машиналар билан терилди. Колхоз пахтакорлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан 7 ноябрь байрамигача яна 1280 тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Республикамизнинг бепоён далаларида жасорат кўрсатаётган азамат пахтакорлар, шаҳарлик ёрдамчилар! Ҳозирги кунимизнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат! Вақт кутиб турмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан далалардаги юксак хирмон учун курашни янада авж олдирайлик. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланайлик! Ун биринчи беш йиллигининг биринчи йилида давлатга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини етказиб берайлик!

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,66	105,40	0,75	117,37
Бухоро	1,20	91,26	1,38	86,61
Жиззах	1,39	89,02	1,10	95,05
Сирдарё	1,20	86,58	0,77	91,35
Қашқадарё	1,37	83,27	1,67	71,58
Наманган	0,21	77,63	0,23	69,87
Фарғона	0,48	74,65	0,72	65,10
Сурхондарё	0,63	74,21	0,61	57,53
Хоразм	2,65	66,68	3,86	60,26
Андижон	0,20	64,92	0,14	46,87
ҚҚАССР	2,71	56,19	2,96	40,47
Самарқанд	2,17	54,91	2,37	37,28
Республика бўйича:	1,17	75,67	1,31	66,85
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,13	87,83	0,74	56,59
Наманган	0,32	84,24	—	76,25
Сурхондарё	1,20	71,09	0,95	58,27
Қашқадарё	2,00	51,70	1,46	23,72
Республика бўйича:	1,42	66,85	1,11	46,20

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981 йил октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Хоразм области (область партия комитети секретари М. Худойберганов, область ижроия комитети раиси К. Сапоев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Х. Бегимов, область «Заготхлопкопром» бирлашмаси бошлиғи Т. Жуманиёзов, область «Сельхозтехника» бирлашмаси раиси Н. Рўзматов, область суғориш системалари бошқармаси бошлиғи И. Эшчонов, область комсомол комитети секретари К. Иброҳимов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети раиси П. Исмоилов). Бу область пахта тайёрлаш планини 66,68, машина терими планини 60,26 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 25,41 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Жиззах областидан олиб берилди;

Қорақалпоғистон АССР (область партия комитети секретари Қ. Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раиси К. Рзаев, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси М. Юсупов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри И. Курбонов, «Главсредазирсовхозстройнга қарашли «Кирккизсовхозводстрой» бирлашмаси бошлиғи Х. Урунов, Қорақалпоғистон «Заготхлопкопром» бирлашмаси бошлиғи А. Худойберганов, Қорақалпоғистон АССР «Госкомсельхозтехникаси раиси И. Дўшчанов, Амударё сув хўжалиги дельта ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи С. Жаманқораев, область комсомол комитети секретари П. Авезов, область қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети раиси А. Тўғизбоев). Автоном республика пахта тайёрлаш планини 56,19, машина терими планини 40,47 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 24,29 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областидан олиб берилди;

(Давоми учинчи бетда).

Л. И. Брежнев Й. Рауни қабул қилди

Суҳбат пайти.

(ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев 21 октябрь куни Кремлда ГФР нинг Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкаси бош министри, Германия социал-демократик партияси Президиумининг аъзоси Поханнес Рауни қабул қилди. И. Рау РСФСР Министрлар Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган.

Бўлиб ўтган суҳбат Совет — Ғарбий Германия муносабатларининг ва ҳозирги халқаро аҳволнинг актуал масалаларига бағишланди.

Суҳбат қатнашчилари 1970 йилги Москва Шартномаси асосида, ҳар иккала мамлакат ўртасида даставвал олий даражада эришилган бошқа битимлар ва аҳдлашувлар асосида самарали, ўзаро манфаатли Совет — Ғарбий Германия ҳамкорлигини турли соҳаларда янада ривожлантириш кераклиги тўғрисида яқдил фикрни билдирдилар.

Кейинги 10 йил мобайнида СССР билан ГФР бир-бирларини яхшироқ билиб олиш, ўзаро ишонч негизини яратиш, кўпгина соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш учун талайгина иш қилдилар.

Бундай йўл иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушажаги тўғрисида — яқдил фикр изҳор этилди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш — Европа қитъасида ва умуман халқаро майдонда барқарорликнинг катта омили эканлигини таъкидлади. Шу ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун халқаро кескинликни юмшатиш, Европада хусусан, ядро соҳасида ҳарбий қарамақарши туриш билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш юзасидан куч-ғайрат сарфлаш зарур.

Л. И. Брежнев уруш хавфини бартараф этишга, кескинлик юмшатилишини чуқурлаштиришга, бошқа давлатлар билан тинч алоқаларни ривожлантиришга қаратилган совет ташқи сиёсати изчил характерда эканлигини таъкидлади.

Л. И. Брежнев вужудга келган халқаро вазиятга баҳо бериб, қатъий ишонч билдирдики, қуролланиш пойгаларининг ҳеч бир асоссиз равишда чексиз авж олдирилаётганлиги баъзи кимсалар режадаштираётган ядро уруши да бошқа мамлакатларнинг территорияларидан сакраш майдони ва яшин қайтаргич сифатида фойдаланиш тенденцияси — бу халқаро ривожланишнинг шундай йўналишки, бундан Европа халқлари учун ҳеч бир яхшилик чиқмайди. Совет Иттифоқи — ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини жиловлаш ва ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш хусусида конкрет ва самарали битимлар тарафдоридир. Томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлиги принципига қатъий риоя этиш — шундай битимларга эришиш калитидир. Совет Иттифоқи ядро уруши чиқиши хавфини амалда камайтирадиган, Европа ва бошқа қитъалардаги халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлайдиган аҳдлашувларга эришишга интилиб, энг кўп даражада холис ният кўрсатаверади.

Й. Рау ҳам ГФР ҳукуматининг Европада тинчликни сақлаб қолиш масаласига оид позициясини баён этиб, бунда ГФР халқи учун тинчликни сақлаб қолиш—унинг ҳаёт-мамот масаласи эканлигини таъкидлади. ГФР ҳукумати, деб ўқтирди у, Женевада бўлажак Совет — Америка музокараларини табриклайди ва бу музокараларнинг муваффақиятига ҳар томонлама ёрдам беради. ГФР ҳукумати ана шу музокаралар тез орада ижобий натижаларга олиб келади ва ўзаро келишув асосида Европада томонларнинг ядровий қурол-яроғлари қисқартирилишига эришиш имконини беради, деб умид қилади.

Л. И. Брежнев билан Й. Рау ҳозирги шароитларда ихтилофлар ва кескинликни бартараф этиш, тинчлик негизларини мустаҳкамлаш мақсадида давлатлар ўртасида кенг кўламдаги мулоқотни давом эттириш ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар. Суҳбат қатнашчилари қатъий ишонч билдириб айтганларидек, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига қиладиган визити ҳамда унинг федерал канцлер Г. Шмидт ва ГФРнинг бошқа раҳбар арбоблари билан ўтказадиган музокаралари шу жиҳатдан катта роль ўйнаши мумкин.

Суҳбат ошкора, дўстона вазиятда ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, ГФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Х. Хубер ва Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкаси ҳукуматининг статс-секретари Р. Крумзик иштирок этдилар. (ТАСС).

Совет-Франция комиссияси мажлиси

Тошкентда рангли телевидение бўйича Совет-Франция комиссиясининг XXI сессияси ўтказилмоқда. Сессияда Франция делегациясига радио ва телевидение техникаси министрликлараро делегат Ф. Эспер, совет делегациясига алоқа воситалари саноати министрининг ўринбосари А. А. Кузьмицкий бошчилик қилмоқда.

Сессиянинг биринчи мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов сессия қатнашчиларини Ўзбекистон ҳукумати номидан табриклади.

Сессия иштирокчилари Тошкент телемарказининг иши билан танишдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Самарқандга бориб келдилар.

(ЎзТАГ).

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ун биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарорига биноан ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларни мукофотлаш учун «Ун биринчи беш йиллик зарбдори» деган ягона Умуминттифоқ нишони таъсис этилди.

ВЦСПС Президиуми ва СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети 25 сентябрь куни нишон тўғрисидаги Низомни тасдиқладилар.

Ягона Умуминттифоқ «Ун биринчи беш йиллик зарбдори» нишони билан иш самарадорлиги ва сифатини оширишда юксак кўрсаткичларга эришган, топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарган саноат, ишлаб чиқариш, илмий-ишлаб чиқариш, хўжаликлараро, аграр-саноат бирлашмалари ва бошқа бирлашмаларнинг, уларга қарашли ишлаб чиқариш муассасаларининг, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг ишчилари, колхозчилари, инженер-техник ходимлари, мутахассислари ва хизматчилари мукофотланади.

Нишон билан иттифоқ қарамоғидаги корхоналар ва ташкилотларнинг ходимлари — СССР министрлиги, идораси ва касаба союз Марказий Комитетининг биргаликдаги қарори ёки уларнинг топширувига мувофиқ — иттифоқ қарамоғидаги (территориал жиҳатдан республикалар ва областларга жойлашган) бош бошқарма ва тегишли республика, ўлка, область касаба союзлари советининг қарорига биноан; иттифоқ республика ва республика қарамоғидаги корхона ҳамда ташкилотларнинг ходимлари — иттифоқдош республика министрлиги, идораси ва касаба союзи республика комитетининг ёки касаба союзлари советининг биргаликдаги қарорига (РСФСР да—РСФСР министрлиги, идораси ва касаба союз Марказий Комитетининг биргаликдаги қарорига) мувофиқ мукофотланадилар.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги системасидаги колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, бошқа корхона ва ташкилотларнинг ходимлари область (ўлка) ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармаси (ишлаб чиқариш бошқармаси) билан қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область (ўлка) комитетининг биргаликдаги қарорига, областларга бўлинмаган иттифоқдош республикаларда — иттифоқдош республика қишлоқ хўжалиги министрлиги (Молдавия ССРдаги колхозчилар—республика колхозлар кенгашининг биргаликдаги қарорига) ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи республика комитетининг биргаликдаги қарорига мувофиқ; автоном республикаларнинг министрликларига ва РСФСРдаги область (ўлка) ижроия комитетларининг бошқармаларига бевосита бўйсунувчи маҳаллий ва озиқ-овқат саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотларининг ходимлари АССР Министрлар Совети ёки область (ўлка) ижроия комитети билан касаба союзлари область (ўлка) советининг биргаликдаги қарорига биноан нишон билан мукофотланадилар.

Область (ўлка) ижроия комитетларига бўйсунган ҳамда бирон-бир министрлик, идорага бўйсунмайдиган корхона ҳамда ташкилотларнинг ходимлари — область (ўлка) ижроия комитети билан касаба союзлари область (ўлка) советининг биргаликдаги қарорига мувофиқ, СССР Фанлар академиясининг ёки иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг бўлимлари, илмий марказлари ва филиаллари составига кирувчи илмий муассасаларнинг ходимлари — бўлимлар, илмий марказлар, филиалларнинг президиумлари билан касаба союзлари область (ўлка) советининг биргаликдаги қарорига мувофиқ нишон билан мукофотланадилар.

«Ун биринчи беш йиллик зарбдори» ягона Умуминттифоқ нишони билан мукофотлаш тўғрисда бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, илмий тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг маъмурияти (правлениеси), касаба союз комитети ва комсомол комитети биргаликда илтимоснома тақдим этадилар. Мукофотга тақдим этиладиган кишиларнинг рўйхатларида фамилияси, исми, отасининг исми, ишлаётган иши ҳамда йиллик ва беш йиллик план топшириқларини, социалистик мажбуриятларни қандай бажарганлиги тўғрисидаги қисқача маълумотлар кўрсатилади. Рўйхатлар тегишли министрликлар, идораларга ёки область (ўлка) ижроия комитетларига юборилади.

Нишон меҳнаткашларнинг йиғилишларида, ишлаб чиқариш илғорларининг слетларида тантанали вазиятда топширилади. Мукофотланган кишига нишон билан бирга белгиланган нусхадаги гувоҳнома, эсдалик совға ёки пул мукофоти топширилади. Мукофотланган кишининг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритилади. Нишон кўкракнинг ўнг тарафига тақилади ҳамда орден ва медаллар пастига жойлаштирилади.

«Ун биринчи беш йиллик зарбдори» ягона Умуминттифоқ нишони билан беш йиллик давомида бир марта мукофотлаш мумкин.

(ТАСС).

ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК!

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ

Бухоро

Пахтачиликда йилдан йил фарқ қилади. Бир йил қулай келса, иккинчи йил ноқулай келади. Ёғин-сочинли кунлар бошланиши билан пахтакорларнинг ишлари янада мураккаблашади. Буни ҳисобга олган юқори партия ташкилотларимиз халқимизни теримни тез ва соз ўтказишга, планлар ҳамда мажбуриятларни қора совуқ тушиб, ёғингарчиликлар бошлангунча бажаришга даъват этади. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ана шундай қудратли кучга эга бўлган илҳомбахш ҳужжатдир.

Биз пахта теримини Мурожаат асосида ташкил қилдик. Борлиқ имкониятларни теримни муваффақиятли ўтказиш, план ва мажбуриятларни шараф билан бажаришга сафарбар этмоқдамиз. Ҳозир биринчи довондан ошдик. Давлатга 3.250 тонна юқори сорт пахта сотиб, йиллик планни муддатидан илгари бажардик. Ҳар гектар ердан 32,5 центнердан хирмон кўтардик. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 13,3 центнер кўтарилди. Ёки ялпи пахта 1353 тоннадан оширилди. Биз бундай муваффақиятга давлатимизнинг катта моддий-техника ёрдами, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришдик.

Пахта катта даромад келтиряпти. Халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксаляпти. Сўнгги йилларда ялпи даромад салкам бир ярим миллион сўм кўпайганини айтиб ўтиш кифоя. Бу йилги ҳисоб-китобларга қараганда бир киши кунининг қиймати 5 сўм 56 тийинни ташкил қилади. Социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшириш қанча кўпайтирилса, сортнинг юқори бўлиши таъминланса, даромад ҳам шунча кўпаяверади, чунки устама мукофот миқдори ортади.

Биз йиллик пахта тайёрлаш планини бажарган бўлсак-да ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Ҳисоб-китоблар 40 центнерлик маррани сўзсиз эгаллашимиз мумкинлигидан далолат беряпти. Шуни кўзда тутиб, йиғим-терим ишларини ташкилий жиҳатдан роятда уюшқоқлик билан давом эттирмоқдамиз. Бирорта машина, бирор киши теримдан четда турганг йўқ, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб, зарбдорчасига меҳнат қиляпти. Кунига йиллик планнинг 2,5 процентидан ошириб «оқ олтин» тайёрлаяпмиз.

Хўжалигимизда 50—60 центнерчидик ҳаракати кенг қулоч ёзди. Х. Ёдгоров, Р. Сафаров, Ш. Шарипов, Д. Собиров, А. Собировлар бошчилик қилаётган бригадаларимизнинг дала меҳнатчилари ҳозирдаёқ гектаридан 40—45 центнердан пахта топширдилар, яна 15—20 центнердан дурдона териб олиш учун курашмоқдалар.

Бу йилги ҳосилни тезроқ саранжом-саришталаб олишда, ҳар йили бўлганидек, механизаторларимиз жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги шу кунгача бункерлардан 150—200 тоннадан пахта тўкдилар. Э. Тилаков, И. Тоғаев, Қ. Ражабов, Н. Шарипов, Ж. Давлатовлар шулар жумласидандир. Улар терим отига қамчи босиб, кунига 3—4 тоннадан юқори сорт пахта термоқдалар. Механик - ҳайдовчиларимизнинг ҳаммалари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни шараф билан бажарадилар.

Теримда ҳар дақиқа ҳисобда бўлмоғи, пайкалларда жавлон ураётган теримчилар, ёрдамчилар суръатни доимо ошириб бормоғи, шундай қилиб, хирмонга қутбарака киритмоғи керак. Колхозимизда план бажарилгунга қадар терим суръати нечоғли кучайтирилган бўлса, план тўлгандан кейин ҳам суръат сира сусайтирилмаяпти, аксинча кучайтириляпти. Ҳ. Жўраева, М. Халилова, И. Мойлиева, О. Ҳамдамова, Ж. Умирова каби кўплаб теримчиларимизнинг ҳар бири кунига хирмонга 80—100 килограмм, ҳатто ундан ошириб пахта топширишяпти. Уларнинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 10—12 тоннадан ошиб кетди.

Пахта — миллий ифтихоримиз, катта бойлигимиз. Уни етиштиришга жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфлаганмиз. Бир граммини нобуд қилмай йиғиб-териб олишни муқаддас бурчимиз деб биламиз. Об-ҳаво ўзгариб турибди, ёғингарчиликлар бўляпти. Лекин бундан чўчимаймиз. Аввалги йилларда бундай ёғингарчиликларнинг кўпини кўрганмиз. Бутун куч ва имкониятларимизни унга қарши қўйиб, голиб чиққанмиз. Бу йил ҳам шундай қиламиз. Колхозимиз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, социалистик мажбуриятимизни шараф билан адо этамиз.

Ҳ. АЗИМОВ,
Олот районидаги Лекин номли колхоз ранси.

Самарқанд

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. «Оқ олтин»га — аъло сифат». Нарпай районидаги Зирабулоқ пахта заводи ишчилари ана шу шиор остида меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган толанинг ҳар икки тоннадан сири чет элга экспорт қилинаётир. Корхонада бу йил 26700 тонна тола тайёрланади. Суратда: пахта заводининг илғор ишчилари (чапдан) Нормурод Оролов, Тоштемир Жўраев, Қилич Чоршаловлар.
Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

СУВОРИЙЛАР

Жонузоқ сўнгги бункерини тележкага ағдараётганида тун ўзининг қора чодирини бутун борлиққа ёйиб бўлган, осмонда сонсиз-саноқсиз юлдузлар порлар эди. Ҳозирги дақиқанинг ҳар сонияси олтинга тенг эканлигини қалбдан ҳис этган ғайратли йигит қудратли машинасини мана бир неча кундирки, кечаси шудринг тушгунга қадар ишлатяпти. Натижада иши баракали бўляпти. У кунига «пўлат этак»лардан 13—15 тоннадан «оқ олтин» бўшатишга муваффақ бўляпти.

Иштихон районидаги «Янгикент» совхозининг донгдор механик-ҳайдовчиси, Турсуной Охунова мукофоти совриндори, коммунист Жонузоқ Қоракулов бу йилги мавсумда 450 тонна дуржавоҳир терб беришга аҳд қилган. Сергайрат механизатор терим суръатини кун сайин ошираётир. У вақтнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга интилади. Эшали Қулмуҳамедов, Темир Амиров, шу ерда пахта тераётган Навоий номли колхоз механик-ҳайдовчиси СССР Давлат мукофотининг лауреати Жўрақул Қўшоқовлар ҳам Жонузоқдан ортда қолмасликка ҳаракат қилишяпти.

— Совхозимиз механизаторлари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган ҳолда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан олиб боряпти, — дейди Ж. Қоракулов. — Мен съездлар йилида зиммамга юксак мажбурият қабул қилганман. Ўз сўзимнинг устидан чиқиш учун шу кеча-кундузда бутун куч ва тажрибамни ишга солянман.

Ў. САИДОВ.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

⊙ КУЗ КУЗЛИГИНИ ҚИЛА БОШЛАДИ. АЙРИМ ОБЛАСТЛАР, РАЙОНЛАР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЕҒИНГАРЧИЛИКЛАР БУЛЯПТИ. БУНДАЙ ВАЗИЯТДА УЮШҚОҚЛИК, МАТОНАТ КЎРСАТИБ, ТЕРИМНИ КУЧАЙТИРИНГ!

⊙ ТЕРИМЧИЛАР, ҲАШАРЧИ ЎРТОҚЛАР! ҚУНЛИК ГРАФИКЛАРНИ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИШГА ЭРИШИНГ!

⊙ БАРЧА ХУЖАЛИКЛАРДА СУШИЛКАЛАР, ПАХТА ҚУРИТИШ ЦЕХЛАРИ ЯНА БИР КАРРА КУЗДАН КЕЧИРИБ ЧИҚИЛСИН, АНИҚЛАНГАН ҚАМЧИЛИКЛАР ЗУДЛИК БИЛАН БАРТАРАФ ЭТИЛСИН! ТОКИ ЕҒИНГАРЧИЛИК КУНЛАР ВА ТУНЛАРДА ҲАМ КЎП ВА ТОЗА ПАХТА ТОПШИРИШГА ЭРИШАЙЛИК!

ДАҚИҚАЛАР ҒАНИМАТ

Йиғим-теримнинг мана шу долзарб кунларида ҳамманинг нигоҳи пахтазорларимизга қаратилгандир... республика пахтакорлари зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар, ўзларининг ватанпарварлик интернационал бурчларини фидокорона, ҳалол ва виждонан бажармоқдалар, — дейилади Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатида. Даъватқор Мурожаатдан руҳланган пешқадам районлар, хўжаликлар, бригадалар йиғим-терим суръатига суръат қўшмоқдалар. Зафар марраларини тезроқ эгаллаш йўлида жонбозлик кўрсатиб, қувонарли ютуқларни қўлга киритяптилар. Қуйида Фарғона областининг икки пешқадам хўжалиги раҳбарларига сўз берамиз.

Фарғона

МАРРА, АЛБАТТА, ЭГАЛЛАНАДИ

Р. РАҲИМОВ,
Фарғона районидаги Ильич номли колхоз ранси.

Бизнинг колхозимиз Олой тизма тоғларининг этагига жойлашган. Пахта майдонларимизнинг деярли 70 фоизини тош-шағалли ерлар ташкил этади. Шу боисдан ҳам бизнинг хўжалигимиз деҳқонлари иши ҳақида гап борганда тош устида дур ундирувчилар, деган илиқ гаплар қулоққа чалиниб турадди.

Бу йил биз 1900 гектар майдонда пахта етиштирдик. Табиий шароитга кўра пахталаримиз бошқа жойлардагига нисбатан бир ҳафта — ўн кун кеч етилиши аниқ. Бунинг устига бу йил сел ва жалалардан ғўзаси шикастланган кўплаб майдонларга чигитни қайта экишга тўғри келди. Сентябрь ойи ичи ва октябрнинг биринчи ярмиларида графикдан ўзиб кетолмаганлигимизнинг боиси ҳам шунда.

Мана энди пахтамиз бодроқдай очила бошлади. Тайёрлов пунктларига томон бораётган пахта карвонларимиз сони ва салмоғи кескин ошяпти. Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига «ллббай!» деб жавоб бераётган барча пахтакорларимиз белгиланган марраларнинг ўз вақтида эгалланишига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Даъватдан сўнг теримчилар сафига яна 400 ёрдамчи келиб қўшилди. Идора ходимлари, колхоз территориясидаги маданий-маиший муассасалар вакилларидан иборат мадад бригадаси ҳам колхозимизда терим суръатини оширишда ўз улушларини қўшмоқдалар. Бу бригада терган пахта ҳозиргача 130 тоннага яқинлашиб қолди.

Шуниси қувончлики, пахтазорларимизда фидокорлик кўрсатаётган кишиларнинг ҳаммаси Мурожаатга амалий иш билан жавоб бериш, бугун кечагидан учтўрт килограмм кўп пахта териш учун курашмоқдалар. Бу ўз самарасини бераётир. Ф. Содиқов, Р. Мирзаахмедов, М. Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадалар дастлабки маррани эгаллаб, мажбурият ҳисобига пахта топшираётирлар.

Колхозимиз заршуносларининг ҳамма вақт ўз сўзларининг устидан чиқиб келганлар. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида гектар бошига 27 ўрнига 30 центнердан хирмон кўтарамиз, деб сўз берган эканмиз, албатта, бунинг уддасидан чиқамиз. Ватан бизнинг колхозимиздан 5,5 минг тонна ўрнига 6 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олишига шак-шубҳа йўқ.

АГРЕГАТЛАР КУМАГИДА

У. ТОЖИМАТОВ,
Қува районидаги «Узбекистон» колхози ранси.

Шу кеча-кундузда қуёшли кунларнинг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси олтинга тенг десак муболаға бўлмайди. Чунки аввал баҳордан бери пешана теримиз билан қилинган меҳнат самараси ярқ этиб кўринадиган, ҳосил тақдири ҳал этиладиган палла бу.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланиб пахтазорларда жавлон ураётган колхозчиларимиз, кўплаб ёрдамчилар, фидокор механизаторларимиз шу долзарб кунларнинг ҳар соати, ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланишмоқда.

Колхозимиз механизаторлари бу йил ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олишга сўз беришган эди. Шу боисдан мавжуд 745 гектар пахта майдонининг 600 гектари машиналаб қилиб ўстирилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилишга бел боғлаган дала гвардиячиларимиз ўз ваъдаларининг устидан чиқмоқдалар. Колхозимизда битта терим отряди ва тўртта звено теварагига уюшган 15 та «Заҳгори кема» қувватидан тўлиқ фойдаланилаётир. Агрегатларни самарали ишлатаётган И. Эгамов, Қ. Эрматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда кунига йиллик планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта терилиб, пешма-пеш хирмонларга топширилаётир. Моҳир механизаторлардан С. Ҳомидов, Э. Абдуллаев, Т. Йўлдошевларнинг ҳар бири шу кунгача 120-130 тоннадан «оқ олтин» тердилар. Бир сўз билан айтганда дала гвардиячилари ялпи ҳосилнинг 2 минг тоннадан зиёдроғини бункерлардан тўкишга бел боғлашган.

Лекин, айтиб ўтиш керакки, биз белгиланган довондан ошиб ўтиш билангина чекланиб қолмаймиз. Пешана тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай сўнгги граммларигача териб оламиз. Олдимизда салмоқли хирмонларни бунёд этишдек улуғвор вазифа турибди. Ўлкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида бутун куч ва ғайратимизни аямай сарфлайверамиз.

БАЛЛИ, ХИЗМАТИНГИЗГА

Хоразм

Пўлат ака ишдан чарчаб келганини бир зумда унутди. Ҳар куни шунақа, оила аъзолари жамулжам бўлиб, дастурхон атрофига тўпланишганда руҳи тетиклашиб кетади. Келини ва қизларига меҳр билан боқиб, қалби севинчга тўлади.

Шу пайт катта қизи Ойбиби кимнинг қанча пахта терганн ҳақида ахборот беради:

— Келинойим 160 килограмм, Сарожон 130 килограмм, Қуронжон 115 килограмм...

— Ўзинг-чи, қизим? — сўрайди ота меҳри товланиб

— Кечагидан камроқ — 145 килограмм бўлди, — Ойбиби уялиб ерга қарайди.

— Ҳечқиси йўқ, қизим. Баллн, силарга! Оиламиз хирмони кечагидан 17 килограмм кўп бўлибди. Терган пахтангиз роппа-роса 550 килограмм тош босибди. Эртага, албатта, бундан ҳам кўпроқ пахта терасизлар, ишончим комил!

Пўлат ака Матчоновлар оиласи пахта йиғим-теримида фаол қатнашяпти. Пўлат аканинг келини Бикажон Матчонова, қизлари Ойбиби, Сарожон ва Қуронжонлар ҳар куни «Ленинград» колхозининг Кўчқор Абдиримов бошлиқ пешқадам бригадаси хирмонига 500—600 килограмм пахта териб тўкишяпти. Оила хирмони 15 тоннадан ошиб кетди. Оила бошлиғи Пўлат Матчонов колхоз техника-ремонт устахонасида моҳир электр пайвандчи.

Қўшкўпир районида бундай пахталарвар оилалар оз эмас. Чунончи, Чапаев номли колхознинг илғор шофери Отабой Бобожоновлар хонадони аъзолари ҳам оилавий хирмон яратяптилар. Бу оиланинг олти нафар аъзоси йиғим-теримда актив қатнашиб, ҳар куни Чапаев номли колхознинг коммунист Карим Воисов бошлиқ 4-бригадаси хирмонига 500—700 килограмм атрофида «оқ олтин» териб топширишяпти. Улар 40 тоннадан зиёд дурдона териб беришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу, бригада йиллик планнинг 16 процентидан кўпроғини ташкил қилади.

Қ. ҲАЙИТБОЕВ

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

Андижон

«Оқ олтин» мавсумининг ҳал қилувчи палласи, йиллар ва ўн йиллар тажрибаси билан синалган халқ донишмандлигининг: «об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига» деган ҳақлига тўла амал қиладиган пайт бошланмоқда. Бугунги кунда барчанинг ва ҳар бир кишининг аҳлилик билан қилган зарбдор меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлайди, мўл ҳосилни ёғин-сочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш имконини беради».

Мурожаатдаги бу сўзлар ҳамманинг ва ҳар биримизнинг дилимиздаги гаплардир. Мурожаат барча бригадаларда коллектив равишда ўқиб чиқилди, йиғим-теримни жадаллаштириш, суръатни бўшаштирмаслик юзасидан тадбирлар белгиланди. Умумий сафарбарлик эълон қилинди. Шунинг учун ҳам қишлоғимизнинг ҳар бир аҳолиси, колхозчи ва механизатор, инженер ва педагог, врач ва маиший хизмат ходими, уй бекаси, кекса-ю ёш ҳосилнинг тақдирига даҳлдор эканлигини англаб, далага чиқди.

Колхоз правлениеси, партия, касаба союз ташкилотлари далада ишлаётганларга ғамхўрликни кучайтирмоқда, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва теримда алоҳида ўрнак кўрсатган кишиларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда.

Бригадалар ўртасидаги мусобақа шартларининг бажарилиши ҳар беш кунда якунланиб, голибларга колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроқлари топширилмоқда. Биринчи байроққа 100 сўм, иккинчи байроққа 50 сўм пул қўшиб берилади. Беш кунликда энг кўп пахта терган теримчи бир кийим атлас билан мукофотланади. Илғор механик-ҳайдовчилар, транспортчилар, хирмонда ишловчилар ҳам рағбатлантирилаётир.

Теримчилар ҳақида қилинаётган меҳрибонлик, ғамхўрлик яхши натижалар беряпти. Одамлар ғайратшижоат билан ишламоқдалар. 100 дан ортиқ теримчи кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилган. Умуман, теримда қатнашаётган 1089 теримчи ўз зиммасига шахсий мажбурият олиб, мардонавор меҳнат қилмоқда.

Одинахон Қорабоева бу йилги мавсумда 10 тонна пахта теришга сўз берган эди. У ҳар куни 100—120 килограммдан пахта термоқда. Қорабоеванинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 7 тоннадан ортиб кетди.

Ҳузиқа Икромова, Мукаррам Бултирова, Гулнора Хожиакбарова, Жамила Абдуллаева сингари кўпминг-килограммчи теримчиларимиз ҳам 6—6,5 тоннадан пахта териб қўйишди.

Колхозимизда ҳар бир теримчи ўртача 54 килограммдан пахта теряпти. Районимиз хирмонига ҳар куни 26 тоннадан ошириб пахта тўкяпмиз. Бугунгача давлатга 1670 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширдик. Бу, йиллик планнинг 69 процентини ташкил этади.

Лекин, умуман олганда, қилаётган ишимиз ўзимизни қаноатлантирмайди. Чунки ваъда қилинган ҳосилнинг 1390 тоннаси ҳали чаноқларда турибди.

Кўсак узадиган кунлар яқинлашиб қолди. Шунинг учун биз кўсак териш, кўрак чувиш машиналаридан, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриб қўйдик. Хуллас, барча имкониятларни ишга солиб, план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаймиз. Андижон областининг катта хирмонига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

С. ҚОСИМОВ,
Олтинкўл районидаги «1 Май» колхози бригада бошлиғи.

ПАХТАЗОР ИЛҲОМЛАРИ

ОППОҚ ДАЛА

Куз!
Оппоқ дала!
Қўшиқ янграмоқда,
Қўшиқни мулойим ва
мағрур,
Унда жо боқийлик,
Жимирлаб кўз
қамаштирган нур.
Унда жо келажак,
Иқбол, миллионлар камоли,
Балқиган саодат,
Мавжланган чаманлар
ҳилоли,
Мусаффо тонг сехри.
Ёш гўдакнинг хандон
кулгуси,
Майингина алла,
Бобом манглай тернинг
иси.

Қўшиқ янграмоқда,
Йўқ, хонанда куйламаган,
Бастакор бехабар,
Шоир ошиқта ўйламаган,
Истиқбол унда жо,
Ватан меҳри ва қуёш тафти,
Баҳорий тароват,
Ҳам боболар қабариқ
кафти.

Куз!
Оппоқ дала!
Қўшиқ янграмоқда,
Оппоқ толедан,
Оппоқ диллар меҳридан
жўшиб,
Пахтазор чайқалиб
Куйламоқда оппоқ бир
қўшиқ!

Ойимхол САЙИМОВА.

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАНГА ТЕНГ

ҚҚАССР

Қумбосган массивини ўзлаштириб «оқ олтин» етиштираётган «Ленинизм» совхозининг Х. Юлматов раҳбарлик қилаётган тўртинчи бўлим пахтакорлари Тўртқўл районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. 220 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22,5 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиниб, қабул пунктларига 490 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Умумий ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи «Заҳгори кема»ларда териб олинди.

Бўлим пахтакорлари ва механизаторлари яна ҳар гектар майдондан 22,5 центнердан «оқ олтин» топириб, икки йиллик планга тенг пахта тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯГОНА ТАШВИШ

Сирдарё

«Бугунги кунда, — дейилади республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатида, — бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!». Ана шу вазифа, ана шу масъулият руҳи билан меҳнат қилаётган Гулистон районидаги машъал «Октябрь» колхози меҳнат аҳли бугун кечагидан, эртага бугунгидан баракалироқ ҳосил йиғиштириш учун қатъий бел боғлашган. Колхоз далаларида шу кунларда иш ҳар қачонгидан қайноқ. Атрофни «Заҳгори кема»лар наъраси тутган, теримчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Хўжалик раиси, Ленин ордени нишондори Мамазуҳур Номозовни терим қизғин кетаётган «Ленинский путь» участкасида учратдик.

— Съездлар йилида мавжуд 2460 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганмиз, — деди у мамнунлик билан. — етиштирилган мўл ҳосилнинг 85—90 процентини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш учун барча резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқдамиз. Ҳозир далаларда 57 та пахта териш машинаси икки сменада юксак унум билан ишлатилмоқда. Механизаторлар ва пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Участкалар, бригадалараро кўчма Қизил байроқ ва вимпеллар ташкил этдик. Меҳнаткашларнинг юксак унум билан ишлаши учун барча маданий-маиший шароитлар муҳайё. Дала шийпонлари комплекс жиҳозланган.

Хўжаликнинг 8500 тонналик хирмони тобора юксалишида Ленин ордени нишондорлари Ансор Оғалиев, Ғани Маҳмудов, Мамат Эшонқулов, Жаббор Оғалиев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадалар коллективларининг ҳиссаси катта. Ҳозир юксак мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бу бригадалар заршуносларининг ўз вақтида ва сифатида пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Хирмонга механизаторлар барака киритишяпти. Ёш коммунист Абдували Қўлдошев бугунгача эл хирмонига ўз агрегати бункеридан 200 тоннага яқин пахта тўкди. Қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланишда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси голиби, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союз комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган хўжалик механизаторлари бугунги кунда етиштирилган мўл ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишга сўз беришган. Маҳмуд Маматқулов, Нурмамат Аҳмаджонов, Жамисар Расулов, Тугал Дарвешев сингари «пўлат от» чавандозлари ҳар куни 8—10 тонна пахта териб, барчага намуна бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири масумда ўз бункерларидан 250—300 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олишган.

Мусобақа голиби Жаббор Оғалиев етакчилик қилаётган бригада даласида бўлганимизда йиғим-терим ишлари ипатоволиклар методи асосида олиб борилаётгани гувоҳи бўлдик.

— Далаларда ҳосил мўл, — дейди бригадир бодроқдек очилган кенг пахта далаларга разм солиб, — Нонинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, пешона тери эвазига етиштирилган бу ҳосилнинг бир чигитини ҳам нобуд қилмаймиз.

Ҳа, хўжаликнинг қайси участкасида бўлманг, долзарб дамлар устидан чиқасиз. Хўжалик пахтакорлари ўз мажбуриятларини яқин кунларда муваффақиятли бажариб СССРнинг 60 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлаш республика партия ва ҳукумати Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун съездлар йили ҳосили йиғим-теримида икки карра, уч карра зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бугунги кундаги ягона ташвиши, вазифаси, масъулияти битта — Пахта!

К. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Сирдарё области.

МУСОБАКА КУНДАЛИГИ

Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозининг механизаторлари Айтмурот Урозқиличев ва Қоқа Мамбетовлар ўзаро мусобақадош. Мавсумда 200 тоннадан пахта теришга аҳд қилган бу илғор механизаторлар ўз агрегатлари бункеридан кунига 11,5—12 тоннадан пахта тўкишга муваффақ бўлишяпти.

* * *

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозининг Шермамат Абдуллаев бошлиқ агроучасткасининг илғор механизаторлари Муҳаммаджон Тўраев, Абдуғаффор Тўраев ва Баҳодиржон Деҳқоновлар мавсумда 250-280 тоннадан пахта терш мажбуриятини олишган эди. Бу дала гвардиячилари ўзаро мусобақалашиб ишлаб, марра сари тобора яқинлашмоқдалар.

* * *

Қизилтепа районидаги «Бўстон» совхозида турсунойчи қизлар кўп. Раъно Валиева ана шуларнинг бири. У ўз агрегати бункеридан 250 тонна пахта тўкди.

* * *

Жиззах районидаги «Москва» колхози механизаторлари Абдураззоқ Ширинқулов, Уроқбой Ерлақабов, Ҳамид Эгамназаров, Абдулла Нуриддиновлар теримда байроқдорлик қилишмоқда. Улар бункерлардан шу кунгача 160—200 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

ОБ-ҲАВО ПИСАНД ЭМАС

Наманган

Бу йил биз 200 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта топширишга қарор қилган эдик. Аммо, об-ҳаво иноқлик қилди. 120 гектар пахта майдонимиздаги ғўзалар июнь ва август ойларида жиддий шикастланди. Биз ишловни кучайтирдик, ёз бўйи жуда қаттиқ меҳнат қилдик. Бу зое кетгани йўқ. Пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди. «Заҳгори кема»лар, ишчиларни дастлабки кунларданоқ теримга тўла сафарбар этдик. Коллектив аъзоларида азалдан таркиб топган онгли интизом, уюшқоқлик яна бир бор имтиҳондан ўтди.

Терим суръати сусайтирилмади. Механизаторлардан Абдураззоқ Ғаниев, Муэтдин Самиев, Жамол Ҳамроевларнинг ҳар бири 120 тоннадан пахта теришди. Саодат Турсунова, Муаззам Раҳмонова, Туробхон Парпиев каби кўпминг килограммчи теримчилар кунига 150 килограммдан ошириб пахта тўкишаётир. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 4,5 тоннадан ошириб «оқ олтин» теришди.

Бригадамиз совхозда биринчилар қаторида йиллик планни бажарди. Давлатга 200 гектар пахта майдонидан 580 тонна пахта топширилди. Бунинг 300 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди.

Пахтани пешона тери билан етиштиргамиз. Ҳали далаларимизда терилмаган пахта, очилмаган кўсаклар кўп. Мақсадимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам унинг бирор граммини ҳам нестнобуд қилмасдан териб олишдир. Ҳозирги ғанимат дамларда барча куч ва имкониятлар ана шунга қаратилмоқда. Давлатга яна 420 тонна юқори сифатли пахта топшириб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 50 центнерга етказамиз.

А. ШАРИПОВ,
Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

(Бошы биринчи бетда).

Самарқанд областининг Пахтачи райони (район партия комитети секретари З. Норқулова, район ижроия комитети раиси Н. Ҳидоятов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А. Бузик, район «Сельхозтехника» бошқарувчиси П. Бозоров, район суғориш системалари бошқармаси бошлиғи Н. Кенжаев, район комсомол комитети секретари С. Расулова, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитети раиси Б. Ниёзов). Бу район пахта тайёрлаш планини 71,98, машина терими планини 67,61 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 32,49 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Коммунистик районидан олиб берилади.

Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли райони (район партия комитети секретари Н. Қўйлибоев, район ижроия комитети раиси М. Юсупов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Р. Шарипов). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 101,21, машина терими планини 114,83 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 56,45 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Жиззах область Октябрь районидаги С. Раҳимов номли 29-совхоздан олиб берилади;

Қашқадарё область Топлимаржон районидаги 4-«Туркманистон» совхози (совхоз директори Ф. Усмонов, партия ташкилоти секретари Р. Чоршанбиев, ишчилар комитети раиси Т. Пирматов, комсомол комитети секретари Ҳ. Эрназаров). Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 103,15, машина терими планини 113,23 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахта тайёрлашнинг 30,93 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхозидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз (колхоз правлениеси раиси Р. Ҳасанов, партия ташкилоти секретари Т. Сафарбоев, касаба союз комитети раиси Д. Дўсболов, комсомол комитети секретари Н. Жалолов). Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 100,3, машина терими планини 74,25 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 49,18 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Тошкент область Урта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади;

Қашқадарё область Косон районидаги Ленин номли колхоз (колхоз правлениеси раиси Т. Равшанов, партия ташкилоти секретари Ш. Бозоров, касаба союз комитети раиси Ҳ. Ҳасанов, комсомол комитети секретари А. Азизов). Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 79,66, машина терими планини 59,18 процент бажарган ва ўн кунликда ингичка толали пахта тайёрлашнинг 26,33 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Бухоро область Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан олиб берилади.

Узбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институтида ноёб қурилма монтаж қилинди. Икки миллион вольт кучланишга эга бўлган бу импульсли генератор тадқиқот ишларини кенг кўламда олиб боришда катта аҳамиятга эга.

Суратда: электроподстанция хизмати бошлиғи В. Буднов ва техника фанлари кандидати А. Қудратиллаевлар янги қурилмада тадқиқот ишлари олиб бориш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Самарқанд давлат опера ва балет театрининг режиссёри ўртоқ Асрор Жўраевни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БИРДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ХЖТНИНГ IX КОНГРЕССИДА

Халқаро Журналистлар Ташкилоти (ХЖТ) Ер юзидаги одамларга ҳақиқат сўзлари билан мурожаат қилиб, ҳозирги дунёдаги мураккаб проблемалар ва зиддиятларни яхши билиб олишга кўмаклашиб, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб борилаётган курашни кучайтиришга бутун чоралар билан ёрдам бермоқда. Ташкилотнинг фаолиятини такомиллаштириш ХЖТ IX конгресси қатнашчиларининг диққат-марказида турди. Конгресс 20 октябрь куни Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида ўз ишини давом эттирди.

Конгресс иштирокчилари ХЖТ профессионал, социал ва ревизион комиссияларининг, ривожланаётган мамлакатларнинг журналистларини тайёрловчи координация комитетининг илмий тадқиқотлар ва ҳужжатлаштириш комитетининг ҳисоботларини тингладилар.

ХЖТ сафларига бирлашган журналистларнинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра бошқа манфаатлари йўқ, деб таъкидлашди делегатлар, улар ўз халқига ва Ер юзида тинчликни сақлаш ишларига хизмат қилишдан кўра фахрлироқ вазифани билмайдилар.

Демократик кучларнинг интернационал бирдамлиги принципларига содиқ бўлган халқаро журналистлар ташкилоти оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилмоқда. Бу эса қаҳрамон Вьетнамни тинч тиклаш жараёнида унга, шунингдек Афғонистон, Кампучия ва Лаос журналистларига кўрсатилган ёрдамда, Чили, Никарагуа, Сальвадор ва бошқа мамлакатларнинг журналистлари билан бирдамликда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Конгресс ХЖТнинг ривожланаётган мамлакатлар журналистларини ўқитишни ва уларнинг маҳоратини оширишни ташкил этиш соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолади. Бу иш кенг халқ оммасининг муҳим манфаатларига хизмат қилувчи чинакам демократик матбуотни вужудга келтириш ва унинг қарор топишида намоён бўлмоқда.

Халқаро ва регионал журналистлар ташкилотларининг вакиллари, конгресс меҳмонлари мажлисда сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги дунёда роли ошиб бораётганлигини, тинчлик учун, кескинликнинг юмшатилиши учун курашда барча демократик кучларни бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Давлат тузуми турлича бўлган мамлакатлар журналистларининг ҳамкорлиги муҳим эканлиги уқтириб ўтилди.

Конгресс қатнашчилари самимий кутиб олган Фаластин Озодлик Ташкилотининг Раиси Я. Арафат мажлисда нутқ сўзлади.

ХЖТ IX конгрессининг иши жаҳон демократик жамоатчилигининг эътиборини гоят ўзига жалб этмоқда. ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, Сурия Араб Республикасининг Президенти Х. Асад, шунингдек бир қанча халқаро ва регионал журналистлар ташкилотлари конгресс қатнашчиларига табрикнома йўлладилар.

Конгресс иштирокчилари В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйдилар.

Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

ИРРИГАЦИЯ ТАЖРИБАЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Олимлар, мутахассислар ва полиграфчиларнинг бирлиги ва ишлари ниҳоясига етди. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида «Узбекистон ирригацияси» деган фундаментал монографиянинг сўнггги — тўртинчи томи босилиб чиқди.

Авторлар ва редакторлар коллективи республикада ерларни суғориш билан боғлиқ тажрибалар, ишлар ва воқеаларнинг ҳақиқатда ноёб энциклопедиясини яратди. Улар ўлкада ирригация соҳасида революциядан олдин қўйилган дастлабки жўраётсиз қадамлардан сўз бошлаб, Узбекистон территориясида Совет давридаги суғориш ишларининг тарихда мисли кўрилмаган кўламларини, партиянинг ленинча аграр сиёсатидан келиб чиқадиган ирригация қурилишининг улкан истиқболларини, партиянинг қардош республикаларни равнақ топтириш, совет кишиларининг фаровонлигини мустаҳкамлашдаги ўрнини ва аҳамиятини ёрқин ифодалаётган тинимсиз ғамхўрликларини акс эттирдилар.

Китобда ирригацияни ривожлантириш босқичлари, унинг республикадаги ишлаб чиқариш кучлари комплексида тутган ўрни батафсил таҳлил этилган, Узбекистоннинг турли районларидаги суғориш шароитларига, йирик суғориш системалари ва гидротехника иншоотларига батафсил таърифлар берилган. Сирдарё ҳавзаси — Фарғона водийси, Мирзачўл, Тошкент воҳасидаги, шунингдек Амударёнинг «катта ҳавзаси» — Сурхондарё ва Зарафшон водийлари, Қарши чўли, Амударё этакларидаги ерларни суғориш тажрибалари ҳамда истиқболларига алоҳида-алоҳида томлар бағишланган. Ирригация қурилиши ва суғориш системаларини ишлатишдаги илмий-техник тараққиёт йўллари, республикадаги ирригация ишлари сифатини ҳамда сув хўжалиги комплекси самарадорлигини янада ошириш мақсадида илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини ривожлантириш асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, ВАСХНИЛ ва республика Фанлар академиясининг академиги В. В. Пославский Узбекистонда ирригация ишлари тажрибаларини якунловчи фундаментал асар яратиш ташаббускорларидан бири бўлиб, Урта Осиёда ерларни суғориш тарихи шу олим ва инженер номи билан чамбарчас боғланган. Монография авторлари орасида ирригация ва сув хўжалигининг таниқли тадқиқотчилари, етакчи мутахассислари бор. Китобни Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов раҳбарлигидаги редакцион коллегия нашр этди.

(ЎзТАГ мухбири).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ КЎРСАТАДИ

Тошкентдан Урта денгиздаги Кипр оролига бирданига олти хил виставка жўнатилди. Бу ерда тез орада СССР маданияти анъанавий кунлари бошланади. Бу кунлар Узбекистон ССР мисолида ўтади. Маданият кунлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бағишланган.

Республиканинг таниқли мўйқалам усталари ва ижодкор ёшлари ўз асарлари билан қатнашадилар. Улар орасида Р. Аҳмедов ва Ч. Аҳмаров, Ю. Талдикин ва Ж. Умарбеков, бошқа кўп рассомларнинг асарлари бор. Никосиядаги Совет маданияти марказига келувчилар Узбекистон графикларининг ишлари, декоративамалий санъат усталарининг буюмлари, болалар чизган расмлар экспозицияси билан ҳам танишадилар. «Совет Узбекистони» фотовиставкаси республика меҳнаткашларининг халқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Узбекистон нашриётлари чиқарган китоблар ҳам Кипрга жўнатилади.

М. Турғунбоева номидаги давлат хизмат кўрсатган «Бадор» халқ рақс ансамбли артистларининг труппаси ороллдаги тўрт шаҳар аҳолисига махсус программа кўрсатади. Бу программага фольклор асарлари, республика композиторларининг асарлари киритилган. (ЎзТАГ).

ФЕСТИВАЛЬ ЛАУРЕАТЛАРИ

ЕРЕВАН, (ТАСС мухбири). Режиссёр Л. Кулижановнинг М. Горький номли болалар ва ўсмирлар фильмлари Марказий киностудиясида «ДЕФА» киностудиясида яратилган «Карл Маркс. Ёшлик йиллари» кўп серияли фильми телефильмлар IX Бутуниттифоқ фестивалининг телевизион бадиий фильмлар бўлими «олиби деб топилди. Кўрик 20 октябрда Ереванда ниҳоясига етди.

Мамлакатдаги 60 студия чиқарган 110 тадан кўпроқ бадиий ва ҳужжатли лента-лар жюри ҳукмига тақдим этилди.

Кўп серияли «Кўрик» ҳужжатли телевизион фильмига (Козоғистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг махсулоти) жюрининг махсус совғаси берилди. Фестивалнинг информация кўригида иштирок этган бу лента Л. И. Брежневнинг «Кўрик» китоби асосида экранлаштирилган.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 21 октябрга бўлган

МАЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Бўка	112,86	111,28
Пискент	110,74	122,00
Ғалаба	110,58	115,84
Урта Чирчиқ	109,78	112,55
Оққўрғон	103,08	99,44
Коммунистик	101,94	108,31
Чирчиқ	99,09	100,87
Бекобод	99,06	100,57
Янгийўл	97,35	93,60
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ғиждувон	122,88	115,93
Ромитан*	119,91	123,20
Олот	104,11	112,18
Пешқу	95,28	101,49
Қизилтепа	93,65	94,30
Когон	91,44	88,15
Қоракўл	87,30	78,51
Бухоро	84,75	72,81
Вобкент	82,63	67,52
Шофиркон	79,11	75,96
Свердлов	78,86	84,62
Навоий	76,49	46,12
Навбаҳор	67,13	65,13
ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
Арнасой	98,07	110,58
Октябрь	94,48	99,72
Дўстлик	92,18	96,65
Мирзачўл	91,66	94,41
Пахтакор	88,46	86,55
Жиззах	79,94	75,98
Зарбдор	68,22	49,44
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ворошилов	99,03	111,06
Меҳнатобод	95,81	88,87
Оқолтин	94,06	104,59
Комсомол	93,14	94,85
Ильич	89,42	89,22
Гулистон	81,14	85,34
Боёвут	77,15	88,02
Сирдарё	72,69	73,70
Ховос	71,64	55,17
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Топлимаржон	104,12	108,20
Ғузор	100,70	100,59
Китоб	100,70	85,29
Чироқчи	96,82	81,82
Камаши	93,02	81,34
Бахористон	90,05	75,96
Муборак	89,01	87,93
Нишон	86,53	75,49
Шаҳрисабз	86,47	58,66
Яккабоғ	86,40	57,93
Қарши	72,13	55,80
Косон	70,64	60,37
Ульянов	67,35	62,77
Усмон Юсупов	60,96	59,35
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Тўрақўрғон	90,81	85,63
Наманган	89,54	84,70
Задарё	86,70	92,91
Косонсой	78,51	64,36
Чуст	76,97	66,76
Уйчи	75,41	38,01
Поп	74,64	75,08
Норин	74,19	64,28
Учқўрғон	70,97	70,90
Чортоқ	70,79	41,39
Янгиқўрғон	50,66	20,36
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Бувайда	93,55	78,17
Ленинград	91,51	73,04
Узбекистон	84,98	62,74
Киров	81,82	68,77
Фрунзе	75,50	69,62
Олтиариқ	72,00	50,09
Бағдод	71,99	72,17
Охунбобоев	70,24	54,08
Қува	69,57	70,12
Риштон	65,59	56,59
Ёзёвон	63,91	67,86
Тошлоқ	63,36	72,41
Қувасой шаҳри	61,36	87,74
Фарғона	58,79	42,09
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Бойсун	100,44	52,19
Шеробод	83,12	61,34
Сариосиё	79,23	57,13
Қумқўрғон	76,17	57,55
Ленин йўли	75,68	81,82
Термиз	75,15	34,50
Гагарин	72,14	73,56
Денов	72,09	45,73
Ангор	70,20	51,32
Жарқўрғон	69,61	50,03
Шўрчи	68,76	43,15
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хонқа	69,09	56,86
Гурлан	68,53	61,19
Қўшкўпир	67,64	61,49
Хива	67,17	60,93
Ҳазорасп	66,58	47,05
Янгиариқ	66,24	65,02
Боғот	65,80	64,71
Шовот	64,26	64,86
Урганч	64,12	57,55
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Комсомолобод	93,36	76,51
Ленин	76,39	39,98
Москва	73,02	70,18
Андижон	71,34	52,40
Олтинкўл	70,95	46,25
Бўз	63,74	66,03
Пахтаобод	63,66	22,55
Избоскан	62,64	43,33
Марҳамат	61,58	41,09
Балиқчи	59,47	44,22
Хўжаобод	53,19	50,07
Жалолқудуқ	49,74	26,83
Қўрғонтепа	48,93	37,66
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Кегайли	63,60	46,00
Хўжайли	62,77	50,92
Нукус	62,15	63,38
Элликқалъа	59,40	49,77
Тўрткўл	58,49	37,70
Қораўзак	58,14	48,36
Амударё	56,61	28,39
Шуманай	53,73	40,72
Ленинобод	52,71	40,66
Беруний	51,06	34,93
Кўнғирот	47,17	34,32
Чимбой	44,59	34,50
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Хатирчи	74,20	61,57
Пахтачи	71,98	77,61
Каттақўрғон	64,18	41,49
Нарпай	60,88	36,67
Большевик	55,31	34,78
Пастдарғом	49,57	31,27
Иштихон	46,72	29,41
Пайариқ	46,70	27,67
Жомбой	43,30	24,51
Оқдарё	36,46	19,27

* Маълумот аниқланган.

Чет элларда

СОФИЯДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

СОФИЯ, 21 октябрь. (ТАСС). Болгария давлати ташкил топганлигининг 1300 йиллиги байрамида юбилей кунларидан бири — «Болгария давлати куни» нишонланмоқда. Кеча Софияда бўлиб ўтган тантанали мажлис шу воқеага бағишланди.

Мажлисда 100 дан ортиқ мамлакатнинг бир қанча халқаро ташкилотларнинг делегациялари ҳамда вакиллари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги СССР делегацияси иштирок этди.

БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков ўз докладида Болгария халқининг кўп асрлик ривожи халқ ҳокимиятининг 37-йиллигида якунланмоқда, — деди. Болгар халқи ўз ривожининг барча энг муҳим муаммоларини социализм йўли билан ҳал этди, деб эндиликда тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин. БКП раҳбарлигида болгар халқи эришган ҳамма муваффақиятлар эндиликда умумхалқ мулки бўлиб қолди.

Шу тантана кунида, деди докладчи, болгар халқи мамлакатни усмонийлар зулмидан халос қилган рус биродарларига яна бир марта бениҳоя миннатдорчилик изҳор этади. Шипкада, Плевен ёнида, Стара-Загора ёнида ва бутун мамлакатда рус жангчилари билан болгар лашкарлари ўз қардошлигини қон билан мустаҳкамладилар. Халқ Совет Армиясининг ҳал қилувчи ёрдами туфайли Болгария тарихида янги саҳифа очган социалистик революцияни амалга оширди.

Ҳозирги вақтда Болгария Халқ Республикасининг социалистик мамлакатлар қардош онласига мансублиги унинг учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Буюк Совет Иттифоқи бизнинг содиқ иттифоқчимиз ва дўстимиз эканлиги билан бахтиёрмиз ва фахрланамиз, деб таъкидлади докладчи. Ленин Ватанига ва партиясига меҳр-муҳаббатимиз болгар халқининг ажралмас миллий фазилати бўлиб қолди. Миллионлаб болгар ва совет меҳнаткашларининг ҳис-туйғулари муштарак эканлигидан ҳурсандмиз.

Шундан кейин мажлис иштирокчилари томонидан самимий кутиб олинган В. В. Кузнецов нутқ сўзлади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, деди у, сиз азиз дўстларга ва сизлар орқали ватанингизнинг барча меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев номидан самимий табрик сўзларини, болгарларнинг қадимий диёрида ривожланган социалистик жамият қурилишида янги муваффақиятларга эришувингизни истаб билдирган тилакларини топшираман.

Болгария билан бизнинг мамлакатимиз ўртасида қадимдан дўстона алоқалар мавжуддир. Болгар халқи ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда неча марталаб халқимизнинг қатъий дўстона мададига суяниб келганлиги маълум. Ўтган асрда Болгариянинг усмонийлар асоратидан озод этилганлиги, фашистлар диктатураси ағдариб ташланганлиги рус-болгар, совет-болгар қардошлиги солномасига абадий ёзилди.

Социалистик Болгариянинг муваффақиятлари Болгария коммунистларининг фаолияти билан, Болгария Коммунистик партиясининг, унинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати таниқли арбоби Т. Живков бошчилигидаги Марказий Комитетининг олиб борган сиёсати билан чамбарчас боғланган-дир. Мамлакатингиз меҳнаткашларининг истиқболга ёрқин ишонч билан қараётганлигининг асосий гарови — партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигидадир.

Тўла тенг ҳуқуқлиляк, ўзаро ҳурмат, самимий дўстлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам принципларига, социалистик интернационализм принципларига асосланган Совет-Болгария муносабатлари социализм мамлакатлари ўртасидаги чинакам қардошларча алоқаларнинг бир тимсоли бўлиб қолди, деб айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз, деди пировардида Совет делегациясининг бошлиғи.

А. ПАПАНДРЕУНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 октябрь. (ТАСС). Умумгреция Социалистик ҳаракат партияси (ПАСОК) раҳбари А. Папандреу Американинг Си-Би-Эс телекомпанияси мухбири билан суҳбатда бундай деди: АҚШнинг Греция территориясида жойлаштирилган ҳарбий базалари Грециянинг бошқа мамлакатлар билан муносабатлари учун хавф солади. «Мамлакат территориясида умуман бирон-бир чет эл базалари бўлишини хоҳламайман ва Грециянинг бетарафлик, озодлик ва мустақиллигини қайтариб олишга ҳаракат қиламан», — деб таъкидлади у. Эртами ёки кечми Америка базалари ёпилиши керак, чунки улардаги ядро қуроли Грециянинг хавфсизлигига ва ҳаётига хавф солади, деди Папандреу.

Папандреу партиясининг ғалабаси Вашингтондагиларни ташвишга солиб қўйди, деб уктиради Си-Би-Эс телекомпанияси, чунки бу нарса амалда Грециянинг НАТОдан чиқишини ва Греция территориясидаги ҳарбий базалар тугатилишини билдиради. Гарчи Рейган маъмурияти Грециянинг янги раҳбари билан мухолифлик қилмасликка интилаётгандек кўринса ҳам, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, унинг сайловда ғалабаси маъмуриятни таҳликага солиб қўйди. Газета ўзининг редакцион мақоласида мамлакатнинг бўлажак ҳукумати шаънига ҳақиқатда зимдан дўқ-пўписа қилиб чиқди. Греция ҳали қўлдан кетгани йўқ, музокаралар қилиш учун ҳали вақт бор, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, аммо шу захотиёқ у: Ғарбпараст шаҳслар Грециянинг сиёсий майдонидан кетсалар, мамлакатда ҳарбий тўнтариш бўлиши мумкин, деб маънодор оҳангда таъкидлайди.

НАТОнинг ядровий планлаштириш группаси сессиясида қатнашиш учун Англияга келган АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергернинг шу ерда айтган гапи БМТ доираларида Грециядга бевосита тазйиқ ва унинг ички ишларига йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда аралашув, деб баҳоланмоқда. Агар Грециянинг янги ҳукумати мамлакатнинг НАТОдан чиқиши тўғрисида қарор қабул қиладиган бўлса, бу нарса «иттифоқни заифлаштириши шубҳасиз», деди Пентагон пешвоси. Шу билан бирга министр «Грециянинг ўзида бу тадбирга қарши норозилик ҳаракати етарли даражада кучли бўлади», деб «умид» билдирди.

БЕЛГРАДДА БАЙРАМ

БЕЛГРАД, 21 октябрь. (ТАСС). Югославия халқлари кеча Белград озод этилган кунни тантана билан нишонладилар. Совет Армияси Югославия Халқ озодлик армияси қисмлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, қонли жанглардан кейин 1944 йил 20 октябрда, бундан роса 37 йил илгари шаҳардан фашист босқинчиларни суриб чиқарган эдилар.

Байрам муносабати билан пойтахтда тантанали йиғилиш; совет делегацияси вакиллари иштирокида ёзувчиларнинг анъанавий «Октябрь учрашуви» бўлиб ўтди.

Совет ва Югославия жангчилари дафн этилган Белград Ҳалоскорлари мемориал қабристонида гулчамбар қўйиш тантанали маросими бўлиб ўтди. СССРнинг ЮСФРдаги элчихонасидан, Белград шаҳар скупшчинасидан, Югославия Халқ армиясидан, ЮКС Белград шаҳар комитетидан, шаҳар жамоат ташкилотлари ва уруш ветеранлари номидан гулчамбар қўйилди.

Қабристонда фахрий қоровул саф тортиб турди ва СССР билан ЮСФРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

ЭРОН:

ВАЗИЯТ НОТИНЧ

ТЕҲРОН, (ТАСС). Матбуотнинг хабарларига кўра, Эронда давом этаётган тўқнашувлар чоғида режим мухолифларидан уч киши ўлдирилган ва 85 киши камоққа олинган. Хавфсизлик кучлари Теҳронда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида тинтув ўтказиб 11 та яширин қурол омборларини қўлга туширдилар.

«Жумҳурияи исломий» газетасининг таъкидлаб ёзишича ҳукуматга қарши ташкилот аъзоларидан 35 киши ислом трибуналларининг ҳукми билан қатл этилган. Уларга мавжуд режимга қарши қуролли кураш олиб борган деган айб қўйилди. Қатл этилганлар орасида июнь ойида Францияга қочиб кетган собиқ президент Бани-садрнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири Н. Масуди бор.

Газета Жанубий Курдистонда ва Ғарбий Озарбайжонда ҳукумат аскарлари билан тўқнашувлар чоғида режим мухолифларидан 13 киши ўлдирилганлигини ва 30 киши жароҳатланганлигини хабар қилади.

Эрон бош министри левозимига кўтарилган Али Акбар Вилоятй Теҳронда гапириб, ҳукуматга қарши давом этаётган ҳаракатларга қарши кураш ишш учун суд органлари ва хавфсизлик кучларини янада мустаҳкамлашга даъват этди.

АРАБ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАЗЙИҚ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Қўшма Штатлар араб мамлакатларига куч билан тазйиқ ўтказиб, ўзининг Мисрдаги позициялари тобора заифлашувига йўл қўймасликка интилмоқда.

Интервенциячи «Тез ҳаракат қилувчи кучлар» қўмондони генерал-лейтенант Р. Кингстон АҚШ армияси уюшмасининг ҳар йилги конференциясида сўзга чиқиб, «Башарти вазият талаб қилиб қолса, ўз ихтиёримдаги қўшинларни ҳеч иккиланмай шу бугунок жангга соламан», деган гапни айтди. Ноябрь ойининг бошларида Миср ва Судан территориясида ўтказиладиган «Брайт стар» ҳарбий машқларига раҳбарлик қилиш шу генералга топшириларган. «Биз тактика авиациясининг дастлабки эскадрильяларини бир неча соат ичида Жануби-Ғарбий Осиё районига юбора оламиз ва жангга шай бўлиб турган денгиз пиёда қўшинларини 48 соат мобайнида соҳилга тушира оламиз», — деб чиранди генерал.

ДАМАШҚ, (ТАСС). «Сирия таймс» газетасининг ёзишича, Вашингтон, аввало, Миснинг ватанпарвар кучларига зарба уриши, араб халкларининг миллий озодлик ҳаракатини тугатишни мўлжалламоқда. Рейган маъмурияти Миср халкининг империализм ва сионизм кучларига қарши кураши кучайишига йўл қўймасликка бутун воситалар билан интилмоқда.

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Миср Араб Республикасининг президенти Х. Муборак «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири билан суҳбатда Мисрда яқинда содир бўлган воқеаларга «бир гуруҳ экстремистлар» бош қўшганлар, деган гапни айтди. Президент Садат ўлдирилиши билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг тафсилоти ҳали гарчи текшириб тугалланмаган бўлса ҳам, бироқ Муборакнинг айтишича, бу гуруҳ Эронда содир бўлган воқеаларни Мисрда такрорлашни планлаштирганлиги равшан.

Эн-Би-Си телекомпаниясининг Қоҳирадаги мухбири Исроил хавфсизлик кучларидаги манбаларга асосланиб хабар қилишича, Садатга қилинган суиқасд қатнашчилари сўроғидан уларга мамлакатда мусулмон руҳоний гуруҳларининг қуролли кучлардаги офицерлар ва солдатлар иштирокидаги кенг фитнаси борлиги маълум бўлган. Мухбирнинг ёзишича қараганда, фитначилар ислом революциясини бошлашга аҳолини чақирувчи даъватномани эшиттириш учун телевидениенинг марказий студиясини босиб олишни мўлжаллаган эдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВЬЕНТЪЯН. Лаос Халқ-революцион партиясининг партия мактаби ҳузурида марксизм-ленинизм курсларининг битириб чиқувчилар кечаси бўлиб ўтди. Малакали партия ва хўжалик кадрларини тайёрлаш шу курсларнинг асосий вазифасидир. Бу кадрлар мамлакатда социализм негизларини қуриш учун меҳнаткашларнинг курашини ташкил этишлари керак.

МАНАГУА. Сандино Миллий-озодлик фронти империалистларнинг Сальвадор ишларига аралашувига қарши норозилик билдирди. Сандиночи Миллий озодлик фронти миллий раҳбарларининг баёнотида Сальвадор ватанпарварларининг мамлакатдаги танглигини тинч йўл билан ҳал этишга қаратиб БМТда баён этилган позицияни қўллаб-қувватлаётганлиги таъкидланади. Мазкур ҳужжатда Франция ва Мексиканинг Революцион демократик фронтини ва Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронтини тан олиш тўғрисидаги қарори маъқулланган.

АЛМАДА. Лиссабонинг шу индустриал ноҳиядан энг катта марказида Португалия Компартиясининг маҳаллий ҳокимият органлари иши юзасидан умуммиллий конференцияси тугади. Мамлакатнинг барча томонларидан келган 1200 дан зиёд делегат 1974 йилги революциядан кейин ўтган вақт ичида маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларида Португалия коммунистик партияси намояндаларининг ишларини якунладилар ва келгуси иш режаларини белгилаб олдилар.

(ТАСС).

„ПРАВДА“ 1982 ЙИЛДА

КПСС Марказий Комитетининг органи — «Правда» газетаси 1982 йилда 70 ёшга тўлади. В. И. Ленин асос солган бу газета 1912 йил 5 майдан чиқа бошлаган. Унинг саҳифалари — мамлакатимиздаги ва чет эллардаги энг муҳим воқеалар солномасидир.

Бугунги кунда совет халқининг ҳаёти КПСС XXVI съезди тарихий қарорларининг қудратли таъсири остида давом этмоқда. КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликда ва ундан сўнггги йилларда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг янги марраларини белгилаб берди. Съезд қарорларининг бажарилиши, экономика, фан ва маданиятимизнинг янги ютуқлари, социалистик демократиянинг ривожи ҳамда бошқа муҳим масалалар 1982 йилда «Правда» саҳифаларининг бош мазмунини ташкил этади.

Газета илгариги каби партия турмуши мавзусини кенг ёритади. Бу мавзу коммунистларнинг обрў-эътибори, партия раҳбарлиги услуб ва методларини такомиллаштириш, бошлангич ташкилотларнинг амалий ишлари, идеология ва голвий-тарбиявий ишлар масалаларини ўз ичига олади. «Саксонинчи йиллар коммунистлари» рубрикаси остида очерклар, доимий ахборот подборкалари, турли сарлавҳалар остида «Партия ташкилотларидан хабарлар» эълон қилинади. Материалларни тайёрлашда «Правда» илгаригидек коммунистларнинг хатлари, уларнинг ўй-мулоҳазалари ва маҳаллий иш тажрибаси ҳақидаги ҳикояларидан фойдаланади.

Ҳар йилгидек экономика қурилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари «Правда»нинг диққат марказида қолади. Иқтисодий обзорларда мунтазам равишда хўжалик механизми, планлаштириш ва бошқарувни такомиллаштириш, Ноқоратупроқ зонани ободонлаштиришнинг узоқ муддатли планларини, Сибирь ва Узоқ Шарқ ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш комплекс планларини амалга ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари кўтарилмоқда. «Правда» «Хўжаликни самарали бошқарайлик». «Диққат: тажриба», «Маҳсулотлар, талаб ва сифат» рубрикалари остида мақолалар эълон қилишни давом эттиради.

Газета социалистик меҳнатларнинг бажарилишини, ўн биринчи беш йиллик энг катта, қурилишларидаги ишнинг аҳволини назорат остига олади.

Умумхалқ социалистик мусобақасини ёритиш билан «Правда» бу оммавий ватанпарварлик ҳаракати юзага келтирадиган барча қимматли нарсаларни очиб беради. Мусобақани ташкил этишнинг энг яхши метод ва шаклларини тарғиб қилади. Зарбдор вахта пешқадамлари тажрибасини, ишлаб чиқариш новаторларининг дадил изланишлари, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажаришда меҳнат коллективларининг ошиб бораётган ролини кўрсатиш билан бирга, газета мусобақанинг тарбиявий роли, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, мураббийлик ҳаракати ҳақидаги материалларни тез-тез эълон қилишни мўлжалламоқда.

Редакция бир йилда 600 мингдан зиёд хат олади. Меҳнаткашлар, ишчилар ва қишлоқ мухбирларининг сўзлари газетанинг ҳар бир сонида ўз аксини топади. Бу «Правда»нинг ленинча анъанаси. Бундан кейин ҳам сиз газетада хатлардан тузилган махсус саҳифа ва подборкаларни, таклиф ва мулоҳазалар обзори, «Бир хат изидан» рубрикасида берилган корреспонденцияларни учратасиз. «Халқ контроли саҳифаси»да ҳам ишчи-деҳқон мухбирлари активи кенг қатнашади.

Ҳар бир номерининг икки саҳифадан ортиғи халқаро ҳаётга бағишланади. Редакциянинг чет эллардаги 46 ўз мухбири бу ерга Ер шарининг турли бурчакларидан материаллар юбориб турадилар. 1982 йилда халқаро обзорлар, социализм мамлакатларидан подборкалар, КПСС съездларида ишлаб чиқилган Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун кураш программасининг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақидаги хилма-хил материалларни нашр қилиш давом эттирилади.

Ўқувчиларнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда редакция газета саҳифаларининг информацион тўлалигини кучайтиришга интилмоқда. Репортаж, шарҳ ва интервьюлар сизга барча муҳим воқеалардан хабардор бўлишда ёрдам беради.

1981 йили «Правда»нинг ҳар кунлик тиражи 10 миллион 700 минг нусхани ташкил этди. Газета Совет Иттифоқининг барча иттифоқдош ва автоном республикаларига, ўлка ва областларига боради, 130 бошқа мамлакатлар ўқувчилари обуначи сифатида оладилар. Газета 47 шаҳарда босилади ва уларнинг кўпчилигига фототелеграф орқали узатилади. Бу эса тиражни ўқувчиларга тез ва узлуксиз етказиб бериш имконини таъминлайди.

«Правда»ни ўқир экансиз, сиз публицистик сўз воситалари билан ишларимизнинг улуғворлигини, партия ва халқнинг коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар учун курашини очиб бера оладиган ишончли маслаҳатчи ва дўстни учратасиз.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

ИЛҒОР ҚУРУВЧИЛАР

Оддий солдат Тоҳир Шералиевни қисмимиз жангчилари ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки у меҳнатда, жанговар ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришмоқда. У кунлик топшириқларни 115—118 процент бажармоқда. Т. Шералиевдан бошқа жангчилар ўрнак олишяпти. Ҳарбий қурувчилардан самарқандлик Ш. Сатторов, Ш. Санақулов, фарғоналик Р. Исоқов, Т. Шарофуддинов ва андижонлик Т. Каюмовлар ана шулар жумласидандир.

Уларнинг аҳил, қувноқ ва бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари туфайли бригада кунлик ва ойлик топшириқни ортиғи билан 120—125 процентга етказиб бажармоқда. Роталараро мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Бригада аъзолари шу кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

А. АКРОМОВ.

АГИТАТОР

Бўлинма командири сержант Мусурмонқул Шукуровни солдатлар «янгилик жарчиси» дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. М. Шукуров комсомол комитетига аъзо бўлиш билан бирга агитаторлик ҳам қилади. У солдатларга жонажон Ватанимиздаги, Узбекистон ҳаётидаги янгиликлар ҳақида, республикамизда пахта йиғимтерининг бориши, пахтазор қаҳрамонлари тўғрисида гапириб беради.

Ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, бўлинма командири М. Шукуров бир неча бор округ ва қисм қўмондонлиги томонидан „мукофотланган.

И. ТУРСУНОВ.

ЭНГ ЯХШИ ҲАЙДОВЧИ

Оддий солдат Содиқ Каримов қисмимиздаги энг яхши ҳайдовчилардан. У жанговар топшириқларни аъло бажариб, кўпчилик ҳурматига сазовор бўляпти. Ўз билим ва тажрибасини ёшларга бажонидил ўргатмоқда.

У яқинда «Энг яхши ҳайдовчи» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Она-Ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан бажараётган С.Каримов бир неча бор қисм комсомол комитети ва қўмондонлик томонидан ҳам фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Т. ИБРОҲИМОВ,
Н. ЗУЛФИҚОРОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ИЧИМЛИК СУВ КЕЛТИРИЛДИ

Ҳисор сув омбори қурувчилари посёлкасига ичимлик сув келтирилди. Тоғдан оқиб тушадиган Оксув дарёсининг юқори қисмидан бу ерга обҳаёт трубалар орқали оқизилди. Бу ерда ҳовуз қурилиб, унда тоғдан оқиб тушадиган сувлар йиғилади. Дарё тубига фильтрли қурилмалари бўлган қудуқлар ўрнатилди. Ҳовузга келиб тушадиган сув турли аралашмалардан тозаланиб, сўнгра трубалар орқали посёлкага келади. Бир кеча-кундузда бу ерга ўн минг куб метр мусаффо ичимлик сув келиб туради.

ЧОРВАЧИЛИҚ КОМПЛЕКСИ

Наманган «Облколхозстрой» трестининг қурувчилари Чортоқ районидаги Навоий номли колхозда чорвачилик комплексини муддатидан бир квартал илгари қуриб битказдилар. Комплекс 600 бош сигирни боқишга мўлжалланган. Бу ерда барча сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилган.

ТАКСИ ҲАЙДОВЧИЛАР — САҲНАДА

Андижондаги таксомотор паркининг «Дилхирож» ансамбли ўзининг деҳқонларга бағишланган янги программасини Олтинкўл районидаги Тельман номли колхознинг 10 бригадаси дала шийпонида кўрсатди. Бригада коллективига «оқ олтин» мавсумида шаҳар такси ҳайдовчилари ёрдам беришади. Ҳайдовчи Солибек Исроилов, слесарь Маъмур Гаримшоев, санъатини дала меҳнаткашларининг қаҳрамонона меҳнатлари тўғрисидаги қўшиқ, рақсларни ижро этган ва шеърларни ўқиб берган бошқа ҳаваскор артистларни томошабинлар қарсаклар билан кутиб олдилар.

Такси ҳайдовчилари янги концерт программасини райондаги бошқа хўжаликларда ҳам намойиш этадилар.

МАКТАБДОШЛАР УЧРАШУВИ

Навоий шаҳридаги Глинка номли болалар музика мактабининг ташкил этилганига 20 йил тўлган куни турли касб ва ёшдаги санъат муҳлисларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар шу мактабни битириб чиққан кишилар. Бўлар орасида профессионал ижрочилар, республика конкурсларининг лауреатлари ҳам бор. Шу кеча мактаб талабалари ва мактабни битириб чиққанлар катта концерт қўйиб бердилар.

Ҳозир Глинка номли мактабнинг кундузги ва кечки бўлимларида тўқсон нафар бола таълим олмоқда.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

КИТОБ ЖАВОНИНҒИЗГА

Халқлар дўстлиги ордени «Узбекистон» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди.

КОЛЛЕКТИВ. Ленин мактаби пропагандистлари.

Китобда содиқ ленинчилар — В. В. Воровский, Ф. Э. Дзержинский, М. И. Калинин, Г. М. Кржижановский, Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, Г. К. Оржоникидзе, Я. М. Свердлов ҳамда Коммунистик партия ва Совет давлати бошқа ажойиб арбобларининг пропагандистик маҳорати ҳақида ҳикоя қилинади.

КОЛЛЕКТИВ. Фан. Техника. Инсон. Табиат.

Маълумки, фан-техника тараққиёти инсон ҳаётининг турли жабҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Файласуфлар, инженер-техник ходимлар, биолог, физик ва медик олимлар томонидан яратилган ушбу китобда табиат ҳамда жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсири, инсоний ўраб турган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида ҳикоя қилинади. Шунингдек, унда экология, шаҳарлар экологияси, фан-техника ва совет турмуш тарзи, фан-техника революцияси, инсоннинг табиат билан алоқадорлигида озиқ-овқат ишлаб чиқариш муаммолари, фан-техника равнақи даврида инсоннинг соғлигини сақлаш масалалари ҳақида ҳам гап боради.

Тошкент Давлат музикали комедия (оперетта) театри коллективи «Хўжа Насриддин» спектаклининг премьерасига тайёргарлик кўрмоқда. Бу спектакль Л. Соловьевнинг «Хўжа Насриддин ҳақида қисса»си асосида яратилди. Спектаклга музикаларни композитор Э. Солиҳов ёзган. Асарни Ростовдаги музикали комедия театри режиссери К. Васильев саҳналаштирган.

СУРАТДА: репетиция пайтида.

В. Белов ва А. Кошкин фотолари. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ШАХМАТ:

ЯНА ДУРАНГ

Тбилиси шаҳрида ўтаётган жаҳон чемпионлиги учун Майя Чибурданидзе билан Нана Александрия ўртасидаги бахсда 13-партия ниҳоясига етди. Бу партияда томонлар 30-юришда бир хил юришларни уч марта такрорлашди. Натижада бу учрашувда дуранг қайд қилинди. Ҳозирча бу матчда ҳисоб 6,5:6,5. Навбатдаги партия бугун ўйналади.

УСТОЗ ХОТИРАСИГА

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида Узбекистоннинг биринчи чемпиони, устоз шахматчи Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган анъанавий Х. Бутуниттифоқ турнирининг учдан бир қисми якунланди. Унда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган спортчилар иштирок этишмоқда.

Ворошиловградлик гроссмейстер Геннадий Кузьмин турнирда ҳозирча пешқадамлик қилмоқда. Унинг ҳисобида 3,5 очко бор. Ереванлик спорт мастери Лпутян билан халқаро мастер Эльмар Магерамов 3 тадан очко жамғариб, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Устоз шахматчи хотирасига бағишлаб ўтказилаётган бу турнир беллашувлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Меҳмонлар республикамизнинг саноат корхоналарида ва колхоз-совхозларида бўлиб, уларнинг меҳнатлари билан танишишяпти, учрашувлар ўтказишяпти.

Реклама ва эълонлар

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ
1- ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш — автотрактор ва қишлоқ хўжалик машиналари паркидан фойдаланиш ва ремонти бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

қишлоқ хўжалигини электрлаштириш — қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бўйича инженер-электриклар тайёрлайди;

машиналар ремонтини ташкил этиш ва технологияси — автотрактор ҳамда қишлоқ хўжалик машиналари ремонти, ремонт қиладиган корхоналарни лойиҳалаш, машиналар ремонти учун ускуналар ва мосламаларни конструкция қилиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

гидромелиоратив ишларни механизациялаштириш — экскаваторлар, бульдозерлар ва бошқа қурилиш ҳамда мелиоратив машиналар ремонти ва улардан фойдаланиш бўйича инженер-механиклар тайёрлайди;

гидромелиорация — мелиорация системаларини, ирригация иншоотлари ва гидроэнергетика узелларини тадқиқ этиш, лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича инженер-гидротехниклар тайёрлайди;

ер тузиш — қолхоз, совхоз территорияларини ташкил этиш ҳамда давлат ер фондини тақсимлашни ҳисобга олиш бўйича инженер-ер тузувчилар тайёрлайди;

сув хўжалиги экономикаси — сугориладиган деҳқончилик зоналарида сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш масалалари бўйича инженер-экономистлар тайёрлайди;

қишлоқ хўжалиги — ҳунар-техника билим юртлари ва техникумлар учун инженер-механиклар — ўқитувчилар тайёрлайди.

Сиртқи факультетга таълим соҳаси бўйича ўрта техника маълумотига эга бўлган ёки танлаган касби бўйича камида олти ой ишлаган ва тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган СССР гражданлари — эркаклар ва қиз-жувонлар ёшидан қатъи назар қабул қилинадилар.

Корхоналар, совхозлар, колхозлар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ягона формадаги йўлланма билан иш характери танлаган ихтисосига мос келган кишилар ўқишга қабул қилинишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Шу йил Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар ихтисоси бўйича керакли иш стажига эга бўлган кишилар билан бир қаторда конкурсда қатнаша оладилар.

Кириш имтиҳонлари ўзбек ва рус тилларида, ўрта мактабларда ўтилган программага мувофиқ олиб борилади: МАТЕМАТИКА (ёзма, оғзаки), **ФИЗИКА** (оғзаки), **УЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма).

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан ёки ўрта махсус ўқув юртини ва ўрта ҳунар-техника билим юртини имтиёзли тамомлаганлар математикадан (оғзаки) кириш имтиҳони топширадилар. Имтиҳондан беш баҳо олганлар кейинги имтиҳонлардан озод бўладилар.

Ариза институт ректори номига танлаган ихтисосини кўрсатган ҳолда ва қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширилади: иш жойидаги партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхона ёки колхоз правленеси томонидан берилган характеристика — тавсиянома; ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), тўртта фотосурат (3х4 см. ҳажмда), корхона, ташкилот, колхоз раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (286-форма).

Тошкент шаҳрида ҳамда Қарши, Янгиер шаҳарларидаги филиаллар ва Самарқанд, Қўқон, Нукус шаҳарларидаги ўқув-консультация пунктлари қошида

1 декабрдан бошлаб пуллик кечки тайёрлов курслари ишлай бошлайди

Аризалар — 15 январгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 31 январдан 15 февралгача.

Машғулотлар — 1 мартдан бошланади.

Консультациялар — 1 январдан бошланади.

Студентликка қабул қилиш — 16 февралдан.

Аризалар институтда, филиалларда ва ўқув-консультация пунктларида қабул қилинади.

Филиаллар ва ўқув-консультация пунктларининг адреслари:

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, институтнинг сиртқи факультети.

ЯНГИЕР шаҳри, 2-микрорайон, институт филиали;

ҚАРШИ шаҳри, Ленин кўчаси, 54-уй, институт филиали;

ҚЎҚОН шаҳри, Ленин кўчаси, 44-уй, қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми;

САМАРҚАНД шаҳри, Шаумян кўчаси, 7-уй;

НУКУС шаҳри, қишлоқ хўжалик техникуми.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
профессор-ўқитувчилар составидаги
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: табиатшунослик факультетларида немис-француз тиллари, педагогика, жисмоний тарбия, инглиз тили (шарқ факультети), умуртқалилар зоологияси, умумий механика, табиатшунослик факультетларида рус тили;

кафедра профессори: тупроқшунослик;

кафедра доцентлари: ижтимоий факультетларда инглиз тили, умумий геология, геодезия ва картография (геодезия), тайёрлов бўлимида ижтимоий фанлар, партия—совет матбуоти назарияси ва практикаси (ярим ставка);

кафедра катта ўқитувчилари: органик химия, умумий физика (физиклар учун), маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, тадқиқотларнинг геофизик методлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва программалаштириш, иқтисодий география, роман-герман факультетида француз филологияси, чет эл адабиётшунослиги ва танкиди; роман-герман факультети, ўқув жараёнини илмий ташкил этиш;

кафедра ўқитувчилари: чет элликлар учун рус тили (2 ўрин), ўзбек классик адабиёти (ярим ставка), табиётшунослик факультетларида инглиз тили (ярим ставка), жиноий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқ тарихи, этика, эстетика ва илмий атеизм, араб филологияси, ижтимоий факультетларда инглиз тили;

кафедра ассистентлари: балайд бўйли ўсимликлар (фан кандидати);

амалий физика илмий-тадқиқот институти лабораториясига; мудирлар: ярим ўтказгичлар физикаси, атом ядроси ва космик нурлар физикаси;

катта илмий ходимлар: атом ядроси ва космик нурлар физикаси, гамма-активацион анализ (3), органик синтезнинг проблемали лабораторияси;

кичик илмий ходимлар: ярим ўтказгичлар физикаси, гамма-активацион анализ, атом ядроси, ўлчов ва ҳисоблаш техникаси (2), медицина полимерларининг проблемали лабораторияси

Конкурс муддати 26 октябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри. Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, 2-қават 10-хона, кадрлар бўлими.

ЛЕНИНСК ШАҲРИДА

24—25 ОКТЯБРДА

1981 ЙИЛГИ УЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ БЕШИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БУЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда 349 минга буюм ва пул ютуқлари ўйналади. Жумладан 35 та «Москвич», «Жигули», «Запорожец» автомашиналари, 60 та кравачали мотоциклар, кўп миқдорда гиламлар, гилам поёндозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар ҳамда йирик пул ютуқлари бор.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ

Ютуқлар тиражида қатнашинг.



СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз! 10.35 — Виктор Кингисеппнинг ҳаётидан икки кун. Бадиий фильм. 1-серия. 11.40 — Концерт. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — С. Маршак. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.35 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 17.05 — Концерт. 17.30 — Ёшлар адреслари. 18.30 — Миллиончи ленинча университети. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Экономика тежамли бўлиши керак. 19.50 — Спорт программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Пабло Пикассо туғилган кунининг 100 йиллигига. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.15 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.40 — Ўқув кўрсатуви. 11.10 — Очилган қўриқ. 12.45 ва 13.40 — Зоология. 13.10 — Оналар мактаби. 14.05 — Проса саҳифалари. 14.50 — Юлиана. Бадиий фильм. 16.30 — Ўқитувчи экрани. 19.30 — Концерт. 19.45 — Танга. Бадиий фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — МАСК.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 12.40 — Шеърият дафтаридан. 13.00 — Инсон ва замин. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Аёллар ўртасида чим хоккей бўйича СССР чемпионати. СКИФ (Москва) — «Андижанка». 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Инспектор, ҳайдовчи, пиёда. Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Терговни давомдонлар олиб борадилар. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.20 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.50 — Оловларда туғилган. Телефильм. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Поэтлар области далаларида.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.35 — Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 12.10 — Узбекистон ишчиси. 13.00 — Мусобақа—муваффақиятлар гарови. 14.00 — Илғорлар рапорти. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Х. Азимов. Фортепьяно ижроси учун пьесалар. 21.00—Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Пахта далаларининг қаҳрамонлари билан учрашув. 21.30 — Музикали салом. 22.30 — О. Ҳайитова ва О. Худойшукуров ижро этади. 23.15 — Лирик оҳанглар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/Хда **Рўйхатларда йўқ.** 24/Хда **Нодирабегим,** 25/Х да **Алмандар** (11.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/Х да **Ишонмасанг ўламан,** 24/Хда **Хизматингизга тайёрмиз,** 25/Хда **Гулсара.**

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сектор мудири: ўлчовларни автоматлаштирган ҳолда ишлаш;

бўлим катта илмий ходимлари: ўзгарувчан юлдузлар (2 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 НОЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Астрономил кўчаси, 33-уй.

●

Шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланувчи Тошкент шаҳри абонентлари

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ТЕХНИКА УЗЕЛИ

Тошкент область Чиноз район марказида эски телефон номерларини ўзгартириш билан бирга янги автоматик телефон станциясига уланиш ишлари ўтказилаётганини БИЛДИРАДИ

Чиноз справка бюросининг 31-222 ва 32-2222 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

●

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1982 йил учун «ГУЛИСТОН», «САОДАТ», «МУШТУМ», «ГУЛХАН», «ҒУНЧА» ЖУРНАЛЛАРИГА ВА МАРКАЗИЙ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТАЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида ва алоқа бўлимларида 1 ноябргача қабул қилинади. Обунани каталогда кўрсатилган шартларга биноан хоҳлаган муддатга расмийлаштириш мумкин.

ОБУНАНИ КОЛЛЕКТИВ РАВИШДА ВА МАЪЛУМ МУДДАТГА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Узбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленеси ва СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафарогга опаси

Қандим
САФАР ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги «Узглавпишчеснабсбит» бошлиги Т. Н. Иноятовга акаси

Собиржон Иноятович ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика китобфоилар жамияти правленеси коллективи правление раиси Н. Сафаровга опаси

Қандим
САФАР ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-61-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50

Р. — 03255. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 244.